### иккинчи бўлим

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### 336 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўгрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик мухитини янада такомиллаштиришга доир қушимча чора-тадбирлар туррисида» 2014 йил 7 апрелдаги ПФ−4609-сонли Фармонига мувофик, шунингдек ташки савдо операциялари мониторингини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофик ўзгартишлар киритилсин.
- 2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

## **Узбекистон Республикаси Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш., 2014 йил 8 июль,  $\Pi\Phi-4630$ -сон

Ӱзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлдаги ПФ−4630-сонли Фармонига ИЛОВА

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига киритиладиган ўзгартишлар

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги ПФ-837-сонли Фармони билан тасдикланган Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назорати тўгрисидаги низомда:
  - а) 4-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «4. Барча ташқи савдо шартномалари валюта назорати органларида, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (ТСОЯЭАТ) орқали вакил қилинган банкларда мониторингдан ўтказилади»;

**Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.** 



28 (632)-сон — 5 — 336-модда

- б) 6 ва 7-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «6. Давлат божхона хизмати органлари ташқи савдо шартномалари буйича товарлар ҳаракати тӱғрисидаги маълумотларнинг ТСОЯЭАТга тӱлик, ӱз вақтида ва тӱғри киритилиши назорати (мониторинги)ни амалга оширади.
- 7. Вакил қилинган банклар ташқи савдо шартномалари буйича пул маблағларининг ҳаракати турисидаги маълумотлар ТСОЯЭАТга тулиқ, уз вақтида ва тури киритилиши кундалик назоратини амалга оширади.

Пул маблагларининг белгиланган муддатларда келиб тушмагани ёки кам микдорда тушгани ҳақидаги маълумотлар ТСОЯЭАТда шакллантирилади. Давлат солиқ ҳизмати органлари тегишли чоралар қабул қилиш учун ТСОЯЭАТдаги маълумотлардан фойдаланади»;

- в) 14-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «14. Вакил қилинган банклар пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар ТСОЯЭАТга тўғри ва ўз вақтида киритилиши ҳамда ташқи савдо операциялари бўйича тўлов шаклларининг тўғри қўлланилиши бўйича жавобгардирлар».
- 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтириш борасидаги қушимча чора-тадбирлар туғрисида» 1995 йил 11 апрелдаги ПФ-1096-сонли Фармонининг 4-бандида «ва вакил килинган банкларда қайд этилган шартномалар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қумитаси томонидан белгиланган тартибда» сузлари «қонун хужжатларида белгиланган тартибда хисобга олиниши лозим» сузлари билан алмаштирилсин.
- 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт қилувчи корхоналарни рагбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қушимча чора-тадбирлар туррисида» 2012 йил 26 мартдаги ПҚ-1731-сонли қарори 5-бандининг туртинчи хатбошида «фақат хизмат курсатаётган ваколатли банкда ҳисобга қуйилган» сузлари маълумотларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритган» сузлари билан алмаштирилсин.

